

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

6-2018  
Декабрь

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>А.АКБАРОВ</b>	
Ҳайнрих Ҳайненинг “Қарағай” шеъри ва унинг таржималари ҳақида .....	83
<b>ТИЛШУНОСЛИК</b>	
<b>А.МАМАЖОНОВ, А.САМИНОВ</b>	
Оксюморон – нутқда ғайриодатий бирикмалар ҳосил қилиш усулларидан бири .....	88
<b>М.РАСУЛОВА, И.ҚУЧҚАРОВ</b>	
Инглиз ва ўзбек тиллари паремия ва фразеологик бирликларининг концептуал гендер таҳлили .....	91
<b>Ҳ.ЗАКИРОВА</b>	
Замахшарий ва унинг “Муқаддамат ул-адаб” асари талқини .....	94
<b>ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ</b>	
<b>Б.УМУРЗАҚОВА</b>	
Хорижий тилларни ўқитишда ёшларда эстетик дунёқарашни шакллантиришнинг педагогик асослари .....	97
<b>А.АБДУЛЛАЕВ, Н.АБДУЛЛАЖОНОВ</b>	
Мамлакатимиз оммавий жисмоний маданияти ва оммавий спортининг назарий асослари .....	100
<b>ИЛМИЙ АХБОРОТ</b>	
<b>М.НАЗАРОВ</b>	
Балиқларни тўйимли тирик озуқа билан боқиш сифатли балиқ етиштиришнинг истиқболли йўналишларидан бири сифатида .....	103
<b>Ш.ЖУМАНИЯЗОВ</b>	
Ўзбекистон тасвирий санъатида маҳобатли рангтасвир асарларнинг тарихий ва замонавий интеграцияси .....	105
<b>А.АБДУХАЛИМОВ</b>	
Мустақиллик йилларида Фарғона водийси қишлоқларида янги иш ўринларини яратиш ва аҳолини иш билан таъминлаш масалалари .....	109
<b>И.М.АРЗИМАТОВА, М.ИСМОИЛОВА</b>	
Шахс тарбиясида эстетик қадриятларнинг ўрни .....	112
<b>А.ҚАМБАРОВ, М.НАЖМЕТДИНОВА</b>	
Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришда мусиқий маданиятнинг роли .....	114
<b>С.СОДИҚОВ</b>	
Аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтириш фуқаролик жамияти қуриш гарови .....	116
<b>А.САБИРДИНОВ</b>	
Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романига чизгилар .....	119
<b>Д.ХУСЕНОВА</b>	
Лев Толстой ҳикояларида шарқона мотивлар .....	121
<b>В.ГИЁСОВА</b>	
Эртанинг халқ оғзаки ижодиётида фольклор матнининг кўринишларидан бири сифатида .....	124
<b>М.ШОКИРОВА</b>	
“Спорт” семали бирликлар хусусида .....	127
<b>А.АСИМОВ</b>	
Ўқувчиларни масала тузишга ўргатишда инновацион ғоялардан фойдаланиш .....	129
<b>Д.ҚАМБАРОВА</b>	
Янги авлод ўқувчиларининг интеллектуал ва ижодий ривожланишининг давлат таълим сиёсати .....	133
<b>Д.ЮЛДАШЕВА, Н.НАБИЕВА</b>	
Болалар фольклорида “Бўри” зооморф метафорасининг антропоцентрик таҳлили .....	135
<b>М.ДИЛБАРЖОНОВА</b>	
Тахаллус ва лақабларнинг қўлланилиши хусусида .....	138
<b>И.ЮЛДАШЕВ, И.ПУЛАТОВ, Г.ЙУЛДАШЕВА</b>	
Тасвирий санъат машғулотлари орқали тушунча, тасаввурлар ҳосил қилишда кўргазмалилик принципининг назарияси ва методикаси .....	140
<b>Х.ШОДМОНОВ Ш.АКРАМОВ</b>	
Қанд лавлагининг биологияси, етиштиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва иқтисодий самарадорлиги .....	142
<b>М.РАХИМОВ, Х.АБДУРАСУЛОВ</b>	
Четдан келтирилган қорамол бузоқларини бўрдоқига боқишнинг жадал усули .....	145
<b>БИБЛИОГРАФИЯ</b>	
Библиография .....	147

УДК: 42/48+167+18

## ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШДА ЁШЛАРДА ЭСТЕТИК ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

Б.Умурзақова

### Аннотация

Мақолада хорижий тилларни ўқитишда ёшларнинг эстетик дунёқарашини шакллантириш методлари баён қилинган. Хорижий тилларни ўқитишда талабаларнинг билимини бойитиш билан бир қаторда эстетик тарбия ва эстетик дунёқарашни шакллантириш масалалари таҳлил қилинган. Шунингдек, талабалар орасида турли миллатлар билан алоқа воситасини мустаҳкамлашда, миллий анъаналарни намоён этишда хорижий тиллардан фойдаланишнинг интерактив методлари ҳақида сўз юритилади.

### Аннотация

В статье описываются методы формирования в молодежи эстетического мировоззрения при обучении иностранным языкам, проанализированы вопросы формирования эстетического воспитания и эстетического мировоззрения. Кроме того, автор рассказывает об интерактивных методах использования иностранных языков для укрепления общения с представителями разных национальностей и демонстрации национальных традиций.

### Annotation

This article describes methods of forming aesthetic outlook of young people in teaching foreign languages. In addition to enriching the students' knowledge of foreign languages, the issues of forming aesthetic education and aesthetic outlook have been analyzed. Also, the author talks about interactive methods of foreign language use in strengthening communication with different nationalities, and demonstrating national traditions.

**Таянч сўз ва иборалар:** метод, эстетика, хорижий тиллар, нафосат, таълим, тарбия, ҳаёт, меҳнат, миллий анъаналар, педагогик технологиялар, педагогик фаолият, бадиий тарбия, санъат, адабиёт, мусиқа.

**Ключевые слова и выражения:** метод, эстетика, иностранные языки, элегантность, обучение, воспитание, жизнь, труд, национальные традиции, педагогические технологии, педагогическая деятельность, художественное воспитание, искусство, литература, музыка.

**Keywords and expressions:** method, aesthetics, foreign languages, elegance, education, life, labor, national traditions, pedagogical technology, pedagogical activity, art education, art, literature, music.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб амалга оширилган туб ислохотлар натижасида таълимнинг мазмуни, моҳияти, сифати янги инновацион ғоялар, таълим методлари, воситалари ва усуллари билан бойитиб борилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда жаҳонда рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, хорижий тилларни пухта эгаллаш, ёшларнинг маънавий, маданий, эстетик дунёқарашини таълим воситалари, методлари асосида шакллантириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

“Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмади – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси”, деб таъкидаланади Биринчи Президентимиз Ислон Каримовнинг “Юксак маънавият – энгилмас куч” асарида[1.62], - “Шуни унутмаслик керакки, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги кун қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ”[1.61].

Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот –

ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир” деган сўзлари ҳозирги вақтда ҳам долзарб аҳамият касб этади. Зеро, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз, деб биламиз”[2.22].

Шундай экан, таълимда ахборот-коммуникация технологияларини фаол ўзлаштириш, замонавий касб-хунар, хорижий тилларни ўрганиш учун барча имкониятлар яратилган. Ёшларимиз ана шундай улкан имкониятлардан самарали фойдаланмоқда. Хусусан, таълим тизимининг барча босқичларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида юз минглаб ўғил-қизларимиз муайян мутахассислик бўйича таълим олиш билан бирга хорижий тилларни пухта ўрганмоқда. Хусусан, ўқитишнинг турли интерактив усул ва воситаларини қўлланиш, компьютер технологияларидан самарали фойдаланиш

Б.Умурзақова – ФарДУ факультетлараро чет тиллар кафедраси ўқитувачиси.

муҳимдир. Инглиз тили фанидан очиқ маъруза ва амалий дарсларда, семинар ва машғулотларда, семинар-тренингларда бугунги кунда самарали қўлланиб келинаётган интерактив методлардан фойдаланиш юқори натижага эришишнинг гаровидир.

Талаба ёшларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ёки индивидуал берилган топшириқ асосида ҳар бир миллатга хос эстетик дид, эстетик баҳо, эстетик муносабат ҳақидаги машғулотларнинг ташкил этилиши, нафақат инглиз тилида равон сўзлашишлари учун, балки уларнинг эстетик билим доираси ҳам анча кенгайишига асос бўлиб хизмат қилади. Шу билан бир қаторда бу, ёшларнинг ўз устларида ишлашлари, изланишлари натижасида янги маълумотга эга бўлишлари, гуруҳ ўқувчи-ёшларининг ҳар бирлари томонидан тўпланган материалларни эса интерактив методлар асосида умумлаштириш имконини беради.

Хорижий тилларни ўқитишда самарали натижага эришишнинг асосларидан бири улар орқали эстетик тарбия ва эстетик дунёқарашини шакллантириш ғоят катта аҳамиятга эгадир.

Эстетика сўзи – латинча «*estezio*» - гўзалликни ҳис қиламан, деган маънони англатади[3.38]. Ўқувчиларни талаба ёшларни воқелик, табиат, ижтимоий ва меҳнат муносабатлари ва турмуш гўзалликларини англаш, идрок этиш ва тўғри тушунишга ўргатиш, уларнинг бадиий дидини ўстириш, уларда гўзалликка муҳаббат уйғотиш, улар томонидан гўзалликни яратиш қобилиятларини тарбиялашга йўналтирилган педагогик жараён бўлиб, бу, ўз навбатида, хорижий тиллар билан уйғунликда олиб борилса, албатта самарали натижага эришиш мумкин.

Эстетик тарбия «бадиий тарбия» сифатида ҳам қўлланилади. Умуман, нафосат тарбияси кенг маънога эга бўлиб, фақат санъат воситасидагина эмас, балки ҳаёт, меҳнат, таълим, ижтимоий муносабатлар, табиат ва бошқалар воситасида гўзалликни ҳис қилишга йўналтирилган педагогик фаолиятни ўз ичига олиб, хорижий тилларни ўқитишда эстетиканинг ўзига хос хусусиятларидан фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Бадиий тарбия санъат, адабиёт, мусиқа, кўшиқ, тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, меъморчилик, архитектура ва бошқа йўналишлар воситасида шахсда эстетик ҳис-туйғуларни шакллантиришни назарда тутиши

билан бирга, чет тили дарсларида талабаларга берилган топшириқларни ўзлаштиришда, уларнинг тасаввурини бойитишда, турли байрам тадбирларида, дарс жараёнида, кичик гуруҳларда ишлашда бевосита ролли ўйинлар орқали эстетик дунёқарашини янада бойитиш мумкин.

Жумладан, ўзбек миллий мусиқаси, эстрада ва жаз санъати, шунингдек, “Фасллар келинчаги – баҳор”, “Тошкент - Ўзбекистон пойтахти”, “Ёш мусаввир”, “Кўркем ва обод маҳаллам”, “Қадим ва навқирон юртимнинг меъморий обидалари”, “Менинг оилам”, “Табиат манзаралари”, “Қадим ва навқирон Самарқанд”, “Ўзбек миллий либослари” каби мавзуларда чет тили дарсларида ақлий ҳужум, ФСМУ технологияси, лойиҳа услуби, ҳамкорликда ўқиш, муаммоли ўқитиш технологияси, усуллари орқали эстетик дунёқараш ва тасаввурни ошириш мумкин.

Агарда мавзуга доир кўргазмали, тақдирот материаллардан, замонавий усул ва воситалардан фойдаланилганда ёки диалог услубидан қўлланиб, мавзу моҳияти ёритилганда, ёшларнинг чет тили дарсларида эстетик дунёқараш янада кенгроқ, қўйилган масалаларнинг аҳамиятини чуқурроқ англашга асос бўлади.

Шунингдек, бугунги кунда хорижий тилларни ўқитишда интернет сайтлари, махсус дастурлар ишлаб чиқилганки, булар аудио, SD ёзув тасмаларида махсус эстетик воситалар, рангтасвир, либослар, табиат манзаралари, касбим-фаҳрим, уй жиҳозлари, кундалик турмушда ишлатиладиган буюмлар, озик-овқат маҳсулотлари, ошхона анжомлари кабилардан фойдаланиш ҳам эстетик дунёқараш, тасаввур орқали хорижий тилларни ўрганиш, билим, кўникамага эга бўлишнинг самарали усулларида ҳисобланади.

Эстетик дунёқараш – шахснинг эстетик онги, муносабатлари ҳамда эстетик фаолиятининг вужудга келиши ва такомиллашувидан иборат узоқ давом этадиган жараён бўлиб, бу жараён ёш ва ижтимоий омиллар билан белгиланадиган турли босқич ҳамда даражаларга эга.

Талабаларга инглиз тилини ўқитиш – эстетик ҳис-туйғу, қизиқиш, эҳтиёж, баҳо бериш каби ҳислатларни тарбиялаш масаласини ўз ичига олади. Эстетик тарбиянинг моҳияти асосан қуйидагиларни ўз ичига олади:

-табиат ва воқеликдаги гўзалликларни идрок этиш ва завқланиш;

-санъат асарларини тўғри тушуна

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

билиш ва баҳолаш;

-ўзининг қобилият ва истеъдодларини  
намоён этишга интилиш;

-ҳамма нарсада-табиатда, инсоний  
муносабатларда, меҳнатда, турмушда  
гўзаллик учун муттасил курашиш;

-хунуклик ва тартибсизликка мурасасиз  
бўлиш.

Шу жиҳатдан олганда, бугунги кунда  
талабаларга чет тилини ўқитишда уларда  
нафосат туйғусини шакллантириш

педагогикадаги долзарб масалалар сирасига  
киради.

Хуллас, хорижий тилларни ўқитишда  
ёшларда эстетик дунёқарашни шакллантириш  
–миллий анъаналарни намоён этиш, хорижлий  
тенгдошлари билан фикр алмашиш, бетакрор  
анъаналари ҳақида мулоқот қилиш учун  
хизмат қилади, ақлий ва маънавий жиҳатдан  
тараққий этишини таъминлайди, уларда  
нафосат туйғусини шакллантиришда муҳим  
ўрин тутаяди.

**Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008.
2. Тўхтаўжаева М. Х. Педагогика. –Т., 2005. –Б.32.
3. Философский словарь. 5-е изд. //Под ред. П.Т.Фролова. – М., 1987. –Б.38.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон,2017.

*(Тақризчи: Т.Эгамбердиева – педагогика фанлари доктори, профессор)*